Биография

Маъруфжон Юлдашев



Юлдашев Маъруфжон Муҳаммаджонович 1973 йил 12 мартда Фарғона вилоятининг Бувайда туманида туғилган. 1990 йилда Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги 5-ўрта мактабни кумуш медалга тамомлаб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга кирган. 1996 йилда Фарғона давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини имтиёзли дипломга тамомлаган. 1996-2010 йилларда Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида ўқитувчи, доцент ва профессор лавозимларида ишлаган. 2010-2017 йилларда Туркия Республикасининг Эге университетида “Замонавий туркий тиллар ва адабиёт” кафедраси доценти; 2017-2018 йилларда Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ Ахборот-ресурс маркази директори; 2018-2020 йилларда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Тиллар ва адабиёт” кафедрасида доцент, профессор ва кафедра мудири лавозимларида ишлаган. 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимида ишлаган. Ҳозирда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритмоқда.

Маъруфжон Юлдашев 2000 йилда “Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати” (“Кеча ва кундуз” романи мисолида) мавзусидаги номзодлик диссертациясини, 2010 йилда “Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 2008 йилда доцент, 2020 йилда профессор унвонини олган.

Биография



У ўзбек тилшунослигида янги соҳа лингвопоэтика йўналиши бўйича дастлабки диссертацион тадқиқотни амалга оширди. Маъруфжон Юлдашев ўз илмий изланишларини бадиий асар тили муаммолари ҳамда ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари бўйича олиб борди. Шу мавзу доирасида дарслик, ўқув-услубий қўлланма ва илмий оммабоп рисолалар нашр эттирди. Республикамизда ва хорижда чиқадиган марказий газета ва журналларда ўзбек, рус, инглиз ва турк тилларидаги илмий-оммабоп мақолалари чоп этилган. У халқаро ва мамлакат миёсидаги илмий анжуманларда фаннинг муҳим масалалари бўйича маърузалар билан қатнашади. 2 та халқаро лойиҳани муваффақиятли тамомлаган.

Унинг 100 дан ортиқ илмий-назарий, методик ва оммабоп мақоласи, 20 дан ортиқ ўқув-методик қўлланма, луғат, рисола, бадиий асар ва монографияси эълон қилинган. Шунингдек, ўзбек адабиётини хорижда тарғиб қилишга қаратилган ўнлаб мақола ва рисолалари чоп этилган. Корея, Қозоғистон, Туркия, Озарбайжон, Польша, Ҳиндистон каби мамлакатларда ташкил этилган кўплаб халқаро симпозиумларда ўзбек адабиёти ва тилига бағишланган илмий маърузалари билан иштирок этган. Айни пайтда, проф. М. Юлдашев 8 та хорижий нуфузли адабий журналнинг эксперт ва ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади.

М. Юлдашев ўзбек адабиётидан Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Хуршид Даврон, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Ҳалима Худойбердиева, Аъзам Ўктам, Муҳаммад Юсуф, Исажон Султон, Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад, Сайёра Тўйчиева, Гулноза Мўминова, Фаҳриддин Ҳайит, Рустам Мирвоҳид каби шоир ва ёзувчиларнинг асарларини турк тилига таржима қилган ва нуфузли журналларда чоп эттирган. Шу билан бирга, ўзбек тилига ҳам кўплаб турк ва озарбайжон адибларининг асарларини таржима қилган. Турк тилидан “Умар Сайфиддин ҳикоялари” (2018) ва озарбайжон тилидан “Умид Нажжорий шеърлари” (2021)ни таржима қилиб нашр эттирган. Таржималари интернет нашрларда, газета ва журналларда чоп қилинган.

Асарлари:

2011	“Özbekçe Yazım Kılavuzu” (hammuallif, İzmir)
2013	“Özbek Edebi Metinler Anatolojisi” (İzmir)
2014	“Özbek Edebiyatı” (hammuallif, Eskişehir)
2018	“Bağımsızlık Dönemi Özbek Edebiyatı” (hammuallif, Ankara)
2019	“Badiiy matn lingvopoetikasi” (Toshkent: “O‘zbekiston”)
2020	“Çeyrek Asırlık Edebi Tecrübe: Milli Ruhun Edebiyata Yansıması” (hammuallif, Ankara)
2021	“Zerçadır Altında” (İstanbul), “O‘zbekcha-ozarbayjoncha frazeologizmlar lug‘ati” (hammuallif)
2022	“Zarif Söz Ziyorati” (hammuallif, Ankara), “Buvayda shevasidan ixcham lug‘at” (hammuallif) “O‘zbekcha-turkcha frazeologizmlar lug‘ati” (hammuallif).

Copyright © 2022
All Rights Reserved.